



Zamonaviy ta'limda pedagogika va psixologiya fanlari

Ψ

ppmedu.jspi.uz

Journal of pedagogy
and psychology in
modern education

Журнал педагогики
и психологии в
современном
образовании




Google Scholar

№4
2022

АНЪАНАВИЙ ПЕДАГОГИКА ВА ПЕДАГОГИК ПСИХОЛОГИЯДА ЎҚИТИШ ЖАРАЁНИ

Жиззах давлат педагогика институти
Педагогика ва психология факультети
Умумий педагогика кафедраси
Ўқитувчиси Сиддиқова Санобар
Хайдаровна
Чет тиллари факултети Хорижий тил
ва адабиёти йўналиши 747-20-гуррух 2-
курс талабаси Шерматов Дилшодбек
Илёсиддин ўғли

Аннотация: Ушбу мақола бугунги куннинг долзарб мавзуларидан бири бўлган узлуксиз таълим жараёнида мустақил фикрловчи, ижодкор шахсни тарбиялашнинг педагогик-психологик жиҳатлари ёритилган.

Калит сўзлар: Ижодкор шахс, интерфаол таълим, эркин ассоциация, когнитивизм, коммуникатив, бихевиористик ёндошув, вербал, когнитив, тарбия жараёни, технология, мустақил фикр, ахлоқий-маънавий.

Мустақил фикрловчи, ижодкор шахсни тарбиялаш бўйича бугунги кунда таълим-тарбия тизимидаги ўрнига келганда, айрим анъанавий дарс шаклини сақлаб қолган ҳолда, унга турли-туман таълим олувчилар фаолиятини фаоллаштирувчи, ўқувчиларни мустақил фикрлашга ундовчи интерфаол таълим методлари билан бойитиш мақсадга мувофиқдир. Таълим олувчиларни мустақил фикрлашга ундовчи интерфаол таълим методларининг педагогик-психологик моҳияти шундаки, оддий мунозарада баҳслашувчилар кўпроқ онгли, асосли фикрларни баён этишга ҳаракат қиладилар ва мустақил фаолият юритиш натижасида таълим олувчи шахсида ижодкорлик хислатлари шаклланади. Маълумки, мустақил фикрловчи, ақлан етук, руҳан тетик, маънан баркамол шахсни тарбиялаш ғояси инсониятнинг

пайдо бўлиши даврдан бошланган бўлиб, у шу даврлар оралиғида босқичма-босқич ривожланиб келмоқда. Мустақил фикрловчи, ижодкор шахсни тарбиялаш билан боғлиқ ибтидоий тушунчалар бугунги кунда ҳам ўрни келганда қадимий реликтлар тарзида талқин қилинмоқда. Анъанавий методикадан фойдаланишда “п+ў.п” гуруҳларда билимлар сифати 50% ни, шу категория учун жадал технологиядан фойдаланилганда 62,5% ни ташкил этди. Билимлар сифати “ў+ўю” категориялар учун мос равишда 85% ва 92% ни ташкил этди. Қониқарсиз баҳолар миқдори ҳам ибратлидир. У жадал технологиядан фойдаланилганда 2% ни, анъанавий методикадан фойдаланилганда 9% ни ташкил этди. Тест топшириқлари асосан мактаб таянчдаражасидан ортиқ эмас.

Умум қабул қилинган ўқитиш тизимининг педагогик-психологик таҳлили унинг паст самарадорлигига қуйидаги сабабларни кўрсатади. Ўқитувчи ўқувчига билимларни берганида унга ҳаммаси ҳам тушунарли бўлавермайди. Педагоглар буни ҳисобга олишади ва тинчлантиришади: “ҳаммасини билиб олганингиздан кейин тушуниб оласиз”. Психологик нуқтаи назардан бу тушунарли, чунки абстракт назарий қоидаларни амалиётган киритиш қийин. Билимларни бериш амалиётгача содир бўлаётганлиги учун бу камчиликни аслида енгиб бўлмайди.

Тушунилган нарсанинг ўзини ҳам эслаб қолишнинг қийинлиги. Амалий қўлланилмайдиган назарий билимларни фақат қуруқ ёдлаш билан эслаб қолиш мумкин бўлади. Бироқ бундай формал билимларни амалиётда қўллаб бўлмайди. Унутиш. Вақт ўтиши билан кўп нарса унутилади. Ҳатто қисман унутиш ҳам эслаш жараёнларининг йўқолишига олиб келади, сабаблар ва оқибатларни узади. Билимнинг яхлитлигини бузади. Бу табиий жараёндир ва олинган билимларнинг амалиёт билан боғланиши қанча кам бўлса, унутиш шунча кўпроқ бўлади. Юқорида кўрсатилган камчиликларни ҳисобга олиб, Гальперин ўқув жараёнини янгича ташкил этиш структурасини таклиф этди. У анъанавий ўқув жараёнидан тубдан фарқ қилади ва ориентирланган саъй-ҳаракатлар асослари (ОСА) схемасидан фойдаланади

Таълимнинг стратегик мақсад сифатида модернизация қилиниши билиш фаолиятини самарали ташкил этиш орқали ўқувчиларнинг юкланишини енгиллаштирадиган, саломатлигини асровчи технологияларни жорий этиш вазифасини кўяди. Ижтимоий-гуманитар йўналишидаги фанларни ўқитиш бўйича ўқув материални умумлаштириш босқичида, интеллектуал салоҳиятли ўқувчилар мазкур бирламчи ўрганишларида, олий ўқув юртигача тайёрлаш факультетларида, коллеж ва педагогик йўналишдаги олий ўқув юртларида талабаларининг ижтимоий-гуманитар йўналишидаги фанларни бўйича билимларини бойитиш босқичида, ўқитувчилар малакасини ошириш курсларида фойдаланилиши мумкин. Шунингдек, мазкур ўқув технологиянинг яратилиш тамойили, мазмуни ва ўқув-методик комплексидан ижтимоий-гуманитар йўналишидаги фанлардан янги авлод дарслигини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ананьев Б.Г. Человек как предмет познания. СПб., 2001.
2. Аллаяров И.А. Дидактические основы активного обучения. Шевандрин Н.И. Социальная психология в образовании: Учеб. пособие. М., 1995.
3. Якунин В.Я. Педагогическая психология: Учеб. пособие. М., 1998.
4. Siddiqova, S. (2022). УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИДА МУСТАҚИЛ ФИКРЛОВЧИ, ИЖОДКОР ШАХСНИ ТАРБИЯЛАШНИНГ ПЕДАГОГИК-ПСИХОЛОГИК МАСАЛАЛАРИ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 2(3).
5. Siddiqova, S. K. (2021). INCREASE THE CREATIVE ACTIVITY OF STUDENTS COGNITION IN THE EDUCATIONAL PROCESS. *Theoretical & Applied Science*, (2), 24-26.

- 6.Siddiqova, S. (2022). TAʼLIM JARAʼENIDA ʻQUVCHILARNING BILISH, IJODIY FAOLLIGINI OSHIRISH. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 2(3).
- 7.Siddiqova, S. (2021). ʻQUV TEXNOLOGIYALARI VA ULARNING PEDAГОГИК-ПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ. *Джизакское инновационное образование*, 1(1).
- 8.Isoqulov, M. (2022). YUQORI SINΦ ʻQUVCHILARI ONGIDA JAHOLATGA QARSHI KURASHA OLIISH TAFAKURINI RIVOJLANTIIRISHDA OILA VA MAKTAB XAMKORLIGI. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 1(4). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/4746>
- 9.Soibnazarova, M. (2022). YOSHLAR TARBIYASIDA ABDURAHMON JOMIYNNIG ASARLARIDAN FOYDALANISH. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 2(3). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5634>
- 10.Sanakulova, Z. A., & Soibnazarova, M. N. (2017). Modular training as a pedagogical technology. *Pedagogicheskoe masterstvo: X Mezhdunarodnaya nauchnaya konferentsiya*, Moskva, iyun'2017
- 11.Soibnazarova, M. (2022). ESH AVLODNING MAʼNAVIY-AHXLOQIY TARBIYASIDA MUTAFAKKIRLARNING FIKRLARIDAN FOYDALANISH. *Журнал Педагогики и психологии в современном образовании*, 2(6). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5573>
- 12.Санакулова, З. А., & Соибназарова, М. Н. (2017). Модульное обучение как педагогическая технология. In *Педагогическое мастерство* (pp. 20-22).
- 13.Санакулова, З. А., Соибназарова, М. Н., Бойтураева, Н. И., & Юлдашев, Ш. Э. (2016). Психологические условия формирования навыков самостоятельного мышления у учащихся. *Молодой ученый*, (8), 1022-1024.
- 14.Axmedova, S. (2022). MAKTABLARDA OʻQITISH TIZIMINING TAʼLIM OLUVCHILAR YOSHI BILAN BOGʻLIQLIGI. *Журнал Педагогики и*

- психологии в современном образовании, 2(4). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5879>
15. Axmedova, S. (2022). SAMARALI RAHBARLIKKA XOS XISLATLAR. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 2(5). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/5102>
16. Axmedova, S. (2022). TA'LIM MUASSASALARI RAHBARLARINING MA'NAVIY QIYOFASI, MADANIYATI VA UNGA QO'YILGAN TALABLAR. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 1(4). извлечено от <https://ppmedu.jspi.uz/index.php/ppmedu/article/view/4904>
16. Munarova Rano Usarovna, Saparova Zamira Ibrahimovna, Yuldoshev Sardor Asliddin oâ€™tmgli, Akhmedova Shokhida Mukhtarovna. THE EDUCATION OF TALENTED STUDENTS AS A PEDAGOGICAL PROBLEM. EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR)-ISSN: 2455-3662, 2019
17. Axmedova, S. (2019). FACTORS AND TRENDS OF ECONOMIC GROWTH. Экономика и социум, (10), 17-20.
18. Shagazatova, B. X., Mirkhaydarova, F. S., Artikova, D. M., Axmedova, F. S., & Kudratov, N. A. (2019). FEATURES OF DIABETES MELLITUS IN HIV-INFECTED PATIENTS. Toshkent tibbiyot akademiyasi axborotnomasi, (1), 149-152.
19. Munarova Rano Usarovna, Rozikova Munzira Dodoevna Uralov Anvar Abdumalikovich, Akhmedova Shokhida Mukhtarovna. (2020). Possibilities Of Self-Education In The Manifestation Of Genius Personality. International Journal of Advanced Science and Technology, 29(08), 3626-3631. Retrieved from <http://sersec.org/journals/index.php/IJAST/article/view/25584>
20. Камолова, Ш. У., Келдиёрова, Г. Н., Ахмедова, Ш. М., Уралова, Ю. Б. К., Бегалиева, М. И. К., & Алимкулов, С. О. У. (2016). Абу Райхан Беруни о духовно-нравственном воспитании подрастающего поколения. Вестник науки и образования, (4 (16)), 43-45